

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ**

**ЖАНИЕВ ХУРШИД ЭШНАЗАРОВИЧ**

**АУМИНЗА-БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ ОЛТИН МАЪДАНЛАШУВИНИНГ  
ҚИДИРУВ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УҮК:553.546.59 (575.144)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жаниев Хуршид Эшназарович**

Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданлашувнинг қидирув мезонлари.....3

**Жаниев Хуршид Эшназарович**

Критерии поисков золотого оруденения в горах Ауминза-Бельтау.....17

**Zhaniev Khurshid Eshnazarovich**

Criteria for prospecting for gold mineralization in the Auminza-Beltau mountains.....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....34

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ**

**ЖАНИЕВ ХУРШИД ЭШНАЗАРОВИЧ**

**АУМИНЗА-БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ ОЛТИН МАЪДАНЛАШУВИНИНГ  
ҚИДИРУВ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/GM86 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Цой Владимир Деньевич**

геология-минер. фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ хузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент ш., Олимлар кўчаси, 64. Тел. (99897) 741-24-80; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniiimr@exat.uz](mailto:gpniiimr@exat.uz)).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент ш., Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99897) 741-24-80).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.У. Исоқов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**Н.М. Хақбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Пирназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида олтинга бўлган талабнинг ортишига боғлиқ ҳолда, геологик қидиув ишларининг самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш, маълум конлар қанотларида ва истиқболли майдонларда қимматбаҳо металларнинг захираларини ва башорат ресурсларини оширишни таъминлаш ва минерал хомашё базасини қайта тўлдириш муҳим аҳамият касб этади. Янги истиқболли майдонларни ажратишда маъдан ҳосил қилувчи жараёнларнинг хусусиятларини, алоҳида маъдан назорат қилувчи омиллар ва олтин маъданлашувининг белгиларини ўрганиш энг долзарб ҳисобланади.

Хозирги кунда дунёning ривожланган мамлакатларида чуқурликда яширин маъданлашувларини қидириш ва истиқболли майдонларни аниқлашга қаратилган янги йўналишларининг назарий ва илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мавжуд материалларни қайта ишлайдиган замонавий технологиялар тўпланган геологик-геофизик, геокимёвий ва космоструктуравий маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилишга, маъданлашувни башорат қилишнинг янги мезонларини белгилашга ва саноат аҳамиятига молик фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини янада ишончли аниқлаш имконини беради.

Республикада олтин конларини қидириш ва минерал ресурслар базасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, бир қатор йирик олтин ва кумуш конлари (Даугизтов, Ауминзатов, Високоволтное, Асаукак, Сарибатир, Аджибугут ва б.) аниқланди ва саноатда ўзлаштириш учун тайёрланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида "... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш ..."<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан Ауминзатов-Белтов маъданли минтақасида яширин олтин маъданлашувини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонларида, 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3004-сон, 2018 йил 1 марта «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон ва 2019 йил 23 июлдаги «Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4401-сонли қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ауминза-Белтов тоғларидаги турли қидирув услублари мажмуасини ягона тизимли қўллаш бўйича тадқиқотлар кўплаб тадқиқотчилар, жумладан: К.Ш. Агзамов, В.А. Ведерников, Б.А. Горшков, Б.Г. Губин, Е.К. Дерюгин, В.Я. Диreeев, В.Г. Емельянов, В.М. Железнов, И.М. Жигарловский, Г.И. Журавлев, Е.И. Зацепин, Л.И. Иванова, Г.А. Иванов, Г.А. Иванов, Н.Н. Ившкин, В.А. Казбанов, А.А. Колдаев, Е. Кононыхин, В.Н. Кукушкин, В.В. Коток, Р.Г. Ли, Р.Х. Миркамалов, А.А. Панин, Ю.И. Парамонов, С.Ю. Петров, А.Д. Пилипчук, М.М. Пирназаров, Н.И. Позняков, М.М. Пуркин, М.Л. Рывкин, М.М. Семенов, Е.Л. Спиридовон, А.А. Тазеев, М.К. Турапов, П.В. Храмышкин, В.В. Шкарупа, А.А. Шпақ, Г.П. Юртаев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Фақатгина турли қидириш услубларини муносабатари ва ўзаро алоқари, уларни катта майдонларда яширин олтин маъданлашувини ажратишда оқилона бирлаштириш масалаларини охиригача ўрагнилмаган. Мазкур масаланинг ечилиши қидириш-баҳолаш ишлари олиб бориладиган олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни самарали ва ишончли ажратишга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Давлат геология қўмитасининг илмий-тадқиқот ишари режасининг “Аулисой участкаси олтин-кумушли минераллашган зонасида излаш ва дастлабки баҳолаш” (2009-2012); “Жасаул участкаси чегарасида олтин-кумушли маъданли ётқизиқларни илгарилама баҳолаш ва чуқур горизонтлари ва қанотларида излаш” (2013-2016); “Овминзатов тоғларидаги Шохетау истиқболли майдонида олтин ва бошқа фойдали қазилмаларни излаш” (2011-2013); “Масофавий структуравий-статистик усулини қўллаш ёрдамида Жанубий-Сентябр майдонини 1:5000 миқёсда ва ғарбий қанотларини 1:10 000 миқёсда геологик-структуравий хариталаш” (2006-2008) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ауминза-Белтов маъданли минтақаси худудида яширин маъданлашувга истиқболли майдонларни ажратишнинг башорат-қидирув меъзонлар мажмуасини аниқлаш ҳисобланади.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ауминза-Белтов маъданли минтақасидаги (АБММ) олтин маъданли конларининг шаклланиши ва жойлашувининг аосисий омиллари ва белгиларини ажратиш ва аниқлаштириш;

АБММ ёриқли бузилмаларнинг зичлиги харитасида олтин маъданлашувининг оптималь шароитларини аниқлаш;

АБММ худудида геокимёвий ва геофизик аномалиялар жойлашуви қонуниятларини ўрганиш;

АБММ худудида олтин маъданлашувинг жойлашув қонуниятларини комплек таҳлили.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Овминза-Белтов тоғларининг мезозойдан олдинги бурдаланган фундамент ва унинг устки қисмида жойлашган мезо-кайнозой қопламаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ауминза-Белтов тоғларининг геологик тузилиши (стратиграфия, тектоника, магматизм, фойдали қазилмалар), маъдан назорат қилувчи омиллар ва олтин маъданлашуви белигалари, башоратлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда, MapInfo, Micromine ва Surfer дастурларида умумлаштирилган тектоник-структуравий (космик тасвирлар ёрдамида аниқланган), геокимёвий, геофизик тадқиқот усуллари натижаларидан фойдаланилган. Қайта ишлаш жараёнида олинган мусбат аномалиялардан нуқтали геологик намуналар олинди ва лаборатория асбоблари (масс-спектрометр ICP MS, РФА, олтин-кумушга) ёрдамида таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

АБММ олтин маъданли коналрининг шаклланиши ва жойлашуvida аосисий факторлар ва белгиларнинг роли ўрнатилди;

АБММ геофизик, геокимёвий аномалияларига нисбатан ёрикли бузилмалар зичлиги харитасида олтин маъданлашувининг жойлашуида оптималь шароитлар аниқланди;

Овминза-Белтоғ маъданли минтақасида яширин маъданлашувни башоратлаш меъзонларининг оқилона тўплами аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

таклиф қилинган геологик-структуравий, геокимёвий ва геофизик башорат-қидибув мезонлари комплекси Ауминза-Белтов маъданли минтақасида яширин олтин маъданлашувни башоратлаш имконини беради;

Овминза-Белтоғ маъдан минтақаси тектоник бузилмалар зичлиги харитаси тузилди ва Овминза-Белтоғ маъдан минтақасининг маъдан назорат қилувчи структураларининг тарқалиш майдоналри ва жойлашув хусусиятлари аниқланди;

АБММ космоструктуравий ва структуравий-статистик маълумотларини дешифрлаш натижалари бўйича асосий маъдан назорат қилувчи структуралар ўрнатилди;

Овминза-Белтоғ маъдан минтақасида яширин олтин маъданлашувини аниқлаш башорат харитаси тузилди ва аниқ истиқболли майдонлар ажратилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги сертификатланган лабораториялар комплекс тадқиқотлари натижаларига асосланган. Ажратилган истиқболли майдонлар геологик қидибув ишларини ўтказишда бурғу қудуклари билан текширилган ва уларнинг маъдандорлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти аниқланган қидибув мезонлари комплексининг худуднинг геологик ривожланишига боғлиқ структуравий-

тектоник элементларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланиб, бу геокимёвий, геофизик аномалияларнинг шаклланишини ва охир-оқибат фойдали компонентларнинг маъданли концентрацияси белгилайди.

Ишнинг амалий аҳамияти Ауминза-Белтов маъданли минтақаси олтинга истиқболли майдонларни ажратишда ва аниқ майдонларда қидириш-баҳолаш ишларини олиб бориш ва худуднинг минерал-хомашё базасини кенгайтиришда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ауминза-Белтов тоғлари ва тоғ олди худудларининг геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

олтин маъданлашувининг башоратлаш ва қидирув мезонлари комплекси “Регионалгеология” ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 январдаги 02-18-сон маълумотномаси). Натижалар конларнинг геология қидирув ишлари қамраб олмаган чукурликдаги маъдан таналарини қидиришни давом эттиришга имкон берган;

ёриқли бузилишлар зичлиги харитаси - “Регионалгеология” ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 январдаги 02-18-сон маълумотномаси). Натижалар минераллашган ва маъданли зоналарнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш ва ёриқларда шаклланиши билан боғлиқлигини башоратлаш имконини берган;

Овминза-Белтов маъдан районининг космоструктуравий ва структуравий-статистик материаллари дешифрировка натижалари “Регионалгеология” ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 январдаги 02-18-сон маълумотномаси). Натижалар конлар ва маъдан намоёнларининг чукур горизонтлари ва қанотларида қидирув ишларини мақсадли олиб бориш учун илмий асос бўлган истиқболли майдонларни белгилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 16 та илмий ишлар чоп этилган: Улардан 6 таси ихтисослаштирилган илмий журналларда (1 таси чет элда), 8 таси халқаро ва республика конференциялариданинг тезислари тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 126 бетда, 20 та расм ва 8 жадвалдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган зарурат асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот обьекти ва предмети аниқланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан – техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб


берган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

**“Ауминза-Белтов тоғларининг ўрганилиш тарихи ва геологик тузилиши”** деб номланган биринчи бобида аввал ўтказилган геологик, геокимёвий, геофизик тадқиқотлар ҳақида қисқача маълумот ва ҳудуддаги маъданли обьектларнинг топилиши, уларнинг натижадорлигига баҳо берилган. Қайд этиш керакки ушбу минтақа бўйича кўплаб юқори даражадаги тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамасдан, башоратланган металлогеник ва қидирув ишларининг назарий асослари тўлиқ такомиллашмаган бўлиб қолмоқда ва янги стратегия ишлаб чиқиши талаб қиласди. Ўзбекистон минерал – ҳомашё базасининг кенгайиши кўп жиҳатдан минтақанинг геологик тузилиши ва ер қобигининг ўзгаришига олиб келадиган жараёнларнинг шифрланишига боғлик. Бу фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонларини ва минераллашган зоналарни топишнинг потенциал имкониятларини очиб беради. Диссертацияда Ауминза-Белтов минтақаси Ауминзатов, Етимтов ва Белтов тоғларини ўз ичига олади. Сўнги 20 йил мобайнида тадқиқотчилар олтин, кумуш, уран ва бошқа фойдали қазилмаларнинг кўплаб конлари ва маъдан намоёнларини ўрганишди ва очишли.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ауминза-Белтов маъдан минтақасининг олтин маъданлашуви жойлашуви хусусиятлари”** деб номланиб учта параграфдан иборат. Биринчи параграфда маъданлашувлар жойлашувининг структуравий омиллари кўриб чиқилган. Бир қанча йўналишдаги структуралар кесишигандар тугунлар маъданларни локализациялашда муҳим рол ўйнаган деб тушунилади, улар маъдан назорат қилувчи надвиг юзаси деб қаралади ва доломит-кремнийлар, карбонат қатлами, тасқазғон свитасининг метабазалтоидларидан ташкил топган. Олтин минераллашувининг аксарият қисми Коспоктов субкенглик-шимолий-ғарбий зонасида жойлашган (узунлиги 25 км гача, кенглиги 2-4 км). Песчаное, Аджибургут, Колчиқтов конлари (76 позиция) ва улардан ташқари маъданли нукталарида (74 позиция) маъдан таналарининг локализация шароитлари  $260\text{--}280^\circ$  ва  $340\text{--}350^\circ$  йўналишдаги структуралар кесишилари олтин ва кумуш маъданлашуви учун энг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

II бобнинг иккинчи параграфи олтин маданлашувини локализация қилиш шароитларининг космогеологик белгиларига бағишиланган. Олтин минераллашуви Белтовнинг марказий ва жанубий қисмлари, Етимтов жанубидаги ёпиқ жойларни, Қайроқлитов тоғларини, Белтовнинг маркази ва жанубидаги чегаравий ер ёригининг жанубидаги Зарафшон-Туркистон ва Зарафшон-Олой структуравий-формацион зоналари ҳудудларини қамраб олувчи катта халқасимон қурилманинг ичидаги жойлашган. Олтин намоёнларининг кўп қисми Марказий Қизилқум жанубида кенглик, шимолий-шарқий йўналишдаги катта ёриклар билан боғлик. Бу факт кўплаб тадқиқотчилар учун башорат қилиш ва қидириш мезонларини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласди. Марказий Қизилқумда аэрофотосуратларни дешифрировка қилиш натижасида Томдитов ҳалқали структураси мавжудлиги тасдиқланган.

Ҳалқали структуралар кўп ҳолларда маъдан назорат қилувчи ва ҳалқали структуралардан ташқарида кузатиб бўлмайдиган кўплаб катта ер ёриқлари билан мураккаблашган. Қидирув мезонлари сифатида ушбу бурдаланиш зоналаридан фойдаланилади (1-расм).



**1-расм. Марказий Қизилқумнинг жанубий қисмидаги структуравий-формацион зоналар ва аэрокосмик тузilmалар схемаси (А.К. Глух, А.К. Бухарин, А.К. Воронков материаллари бўйича тузилган).** 1-кон ва маъдан намоёнлари;


2-фундаментнинг юзага чиққан қисми; 3,4,6-Туркистон-Олой-структуравий-формацион зонаси ва қуий зоналарнинг чегаралари; 5-олтинга истиқболли майдонлар; 7-ёриқли бузилишлар; 8,9- ҳалқали тузilmалар; 10-ирик ёриқли бузилишлар; 11-Жанубий маъданлашган зона

Геофизик параметрлари бўйича маъданлашув ҳалқали структуралар кесишмаларида тўпланган бўлиб, улар ўзаро боғлиқликни ҳосил қилган ва у истиқболли майдонлар, минераллашган зоналар ҳосил бўлиш шароити билан тасдиқланади (1 расм).

Учинчи боб “**Маъданларнинг моддий таркиби хусусиятлари башорат-қидирув мезонлари сифатида**” деб номланиб иккита параграфдан иборат. III бобнинг биринчи параграфида минераллашган тоғ жинсларининг минерал, кимёвий таркиби, маъданлар ва метасоматик ўзгаришларнинг олтин маъданлашуви билан боғлиқлиги келтирилган.

Ауминза-Белтов тоғларининг маъдан-локализация қатламлари жинсларнинг минерал таркиби ва структуравий-текстуравий хусусиятларига серицитлашиш, биотитлашиш, амфиболлашиш, кварцлашиш, пиритлашув ва пирротинлашиш энг катта таъсир кўрсатади. Оксидланиш зоналарида лимонитлашиш, алунитлашиш, каолинлашиш ва ярозитлашиш кузатилади. Жуда камдан-кам ҳолларда, уларнинг ҳар бири мустақил равишда намоён бўлади; мураккаб ўзгаришлар кўпроқ учрайди. Қуйидаги метасоматитлар янги минерал кўринишларнинг структуравий-текстуравий-минералогик хусусиятлари билан осонликча хариталанади: березитга ўхшаш тазқазғон, қўргонтов ва роҳат қатламларининг кремнийли терриген жинслари бўйича; кварц-биотит-далашпатлари метабазалтълар бўйича; хлорит-пирротин-биотитлар терриген ва камдан-кам ҳолларда вулқонли жинслар бўйича; гранитоидларнинг экзоконтакт зonasida Тосқозғон свитасининг карбонат-


кремнийли тўпламлари скарнлашиш ва (ёки) тремолитлашиш билан барга ривожланган. Олтин-пирит-арсенопирит-кварц парагенетик минераллар ассоциацияси олтиннинг маъданлашувида асосий маҳсулдор ҳисобланади.



**2-расм. Ауминза-Белтов тоғлари ва унга туташ худудларда турли элементлар ореоллари тарқалишининг схематик харитаси** (1-олтин, 2-маргимуш, 3-вольфрам, 4-кўргошин, 5-сурьма, 6-кумуш, 8-молибден, 7-қалай, 9-мис), 10-кон ва 11-палеозой ётқизиқлари очилмаларининг майдони.

III бобнинг 3.2-параграфида олtingа маъданлашган объектлар геокимёвий хусусиятлари келтирилган. Аниқ конлар ва маъдан намоёнларининг пайдо бўлиши маъданли элементлар ва уларнинг йўлдошлари концентрациясининг ошиши (2-расм), уларнинг маъданлар ва аниқ минераллардаги миқдорий статистик нисбати, уларнинг фазовий тақсимоти тафсилотлари, маъданли янги кўринишлар ва алоҳида минералларнинг доналари билан акс этади. Уларга мос келадиган белгилар одатда тўғридан-тўғри минералогик ва геокимёвий белгилар билан тавсифланади, улар маъдан таналарини аниқлашда, конларнинг эрозион кесимини, чуқурлик ва ёнбағрларини истиқболлилигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Ауминза-Белтов тоғларидағи олтин, олтин-кумуш маъданли конларда олтин маргимуш билан бирга келади, бу маъданлар таркибида арсенопирит борлигидан келиб чиқади.

Тўртингчى боб “**Ауминзатов-Белтов маъданли минтақаси ва унга туташ ёпиқ майдонларининг башорат-қидириув мезонлари ва истиқболларини баҳолаш**” деб номланиб космик-структуравий, структуравий (Ауминза-Белтов маъданли минтақасидаги тоғларнинг ёриқли бузилишларининг зичлиги харитаси тузилган, 3-расм) геокимёвий, геофизик башорат усусларининг услубий хусусиятлари умумлаштирилган. Шунингдек, юқоридаги башоратлаш усуслари маълумотларини ялпи қайта ишлаш натижасида бир қанча истиқболли майдонлар, олтин, олтин-кумуш маъданлашган структуралар аниқланган.



**3-расм. Ауминза-Белтов тоғлари ва унга туташ ҳудудлардаги ёриқли бузилишлар зичлиги ҳаритаси.** 1-кон, 2- палеозой ётқизиклари очилмаларининг майдони, 3- шимолий-шарқий ёриқли бузилишлар, узунлиги км да ва 4- қолган ёриқли бузилишлар, узунлиги км да


Шуни таъкидлаш керакки сунъий йўлдош тасвири маълумотлари асосида аниқланган тектоник ёриқлар, уларнинг анъанавий йўналишларида истиқболли позицияларни аниқлаш асосий йўналиш бўлиб хизмат қилган. Барча конлар субкенглик билан субмеридионал чуқур ёриқлар кесишган жойларда маълум бир структуравий ҳолатда тўпланганилиги аниқланди. Ёриқли бузилишларнинг ўзига хос хусусиятлари (эгри, жуфт ва б.) туфайли маълум бир деформация қоидалари билан, маъданли эритмалар маъданли босқичга кирадиган бирор очилган қирралари бор жойларда пайдо бўлган. Ёриқли бузилиш майдонлари маъданли эритмалар тўпланиш жойи бўлиб хизмат қилади.

Олтин учун туташ динаможуфтликларнинг умумлаштирилган йўналиш жадвали

т/р	Маъданлашув бузилишлари йўналишлари	Бузилишларнинг блокланган йўналишлари	Еслатма
1	276 -279	13 -19	Тизимларни ўзаро блокировка
2	291 -300	19 -34	қилинишлиги:
3	331 -336	50 -62	291-300 - 21-30;
4	21 - 31	283-309	331-336 - 51-59;
5	51 - 59	320 - 337	81-86 - 352-353
6	81 - 86	344 -353	

Ҳудуднинг структуравий хусусиятларини ўрганиш ва Ауминзатовнинг 130 та олтин маъданли обьектларини тизимли статистик таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш асосида олтин учун ёриқли бузилишларнинг динаможуфтларининг умумий жадвали тузилди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу жадвал асосида Фарби-Учтепа майдонининг 10 та башоратланган позицияси маҳаллий башоратлаш канава қазиш ва бурғулаш ишлари билан тасдиқланган.

Космо-структуравий маълумотлар натижалари ва ўрганилаётган ҳудуднинг структуравий хусусиятларига асосланиб, янгилangan структуравий ҳарита тузилди, у майдоннинг ёриқли бузилиш зичлиги ҳаритаси ёрдамида тадқиқот майдони учун қидиришнинг янги усулига асос бўлди.



**4-расм. Ауминза-Белтов тоғлари ва унга туташ худудлардаги ёриқли бузилишлар зичлиги ореолларининг схематик ҳаритаси**

Геокимёвий башоратлаш усули натижасида Au, Ag, As, Mo, Pb, W, Sn ва Cu нинг геокимёвий ореоллари аниқланди. Олтин ва бошқа элементларнинг ўзаро боғлиқлиги (ореолларнинг комбинацияси) алоҳида майдонларда манфий кўрсаткичлар қайд этилади. Бу минерал ҳосил бўлишининг босқичма - босқич кечиши билан боғлиқ. Бир нечта элементларнинг ореоллари бир хил позицияларда бирлаштирилганда, улар узоқ муддатли маъдан ҳосил бўлиш жараёнлари кечганлигидан далолат беради. Агар худудларда алоҳида ёки тарқоқ элементларнинг ореоллари бўлса, улар минерал ҳосил бўлишининг қисқа муддатларда кечганлигидан дарак беради. Узоқ муддатга эга тизимлар ва позицияларга эга бўлган элементлар мажмуаси (Sb, Hg, Pb, Ba ва б.) қўшимча маъданли кесимни ифодаловчи майдонлар учун катта амалий қизиқиш уйғотади. Намуналаш батафсил имкон қадар геокимёвий майдонлар, шунингдек асосий маъдан назорат қилувчи структураларнинг жойлашиши ва уларнинг имкониятларини акс эттиради. Бундан ташқари, камбағал ореол майдонлари динамометаморфизм зоналари, юқори миқдордаги маъданлашувлар эса бузилишли ер ёриклари зоналари томонидан назорат қилинади.

Маъданли минтақадаги палеозой фундаменти очилмаларида ҳам, ёпиқ мезокайназой майдонларида ҳам геофизик асбоблар билан, улардаги олтин маъданлари ҳосил бўлишининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги олтин конларини очиш учун қулай бўлган параметрларни ҳисобга олиб геофизик нуқтаи назардан позициялар аниқланган. Қайд этиш керакки илгари шунга ўхшаш тадқиқотлар М.К.Турапов томонидан ўтказилган бўлиб олтин конларининг 80% дан ортиғи “оралиқ” зоналарда – манфий ва мусбат геомагнит ва гравитацион аномалияларининг минимал қийматлари билан чегараланганигини кўрсатган.

Қулай шароитлар (геологик-геофизик, геокимёвий ва космик-структуравий белгилар асосида масофадан зондлаш) мажмуаси асосида тўртта истиқболли майдон аниқланди. Ҳозирги вақтда аниқланган майдонлардан иккитасида – Джасаул ва Аулиёсойда Довгистов ДГКЭ томонидан геологик қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ижобий натижаларга эришилди. Джасаул майдонида олтин

микдори 1,1 г/т дан 22,5 г/т гача, қумуш 0,9 г/т дан 1570,0 г/т гача. Маъдан зоналарининг қалинлиги бурғу қудукларида 6,0 м дан 54 м гача.

## ХУЛОСА

Олинган натижалар асосида қўйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ўрганилган Ауминза-Белтов маъданли минтақасида қидирув мезонлари комплекси бўйича маъданлашувнинг учта геологик-генетик тури аниқланди. Биринчиси, эркин олтин билан боғлиқ олтин-кварцли бўлиб, косманачи қатламлари орасидаги кварц томирларида жойлашади (Белтоғ, Овминза участкалари). Иккинчиси, олтин-кумушли маъданлашув тури, турли хилдаги кумуш минераллашуви ва эркин олтин билан бўлиб, генетик жиҳатдан косманачи қатламлари метатерриген тоғ жинлари бўйича ривожланувчи беризитсимон метасоматитлар билан боғланган (Жасаул, Аулисой участкалари). Учинчиси Даугизтау туридаги пирит-арсенопирит-олтин парагенетик минерал ассоциацияли олтин сульфидли тур.

2. Геологик-геофизик тадқиқотлар ва космик фотосуратларни дешифрировка қилиш натижаларига асосланиб мезозой-кайназой ётқизиқлари билан қопланган қўрғонтов свитаси ётқизиқларида “чўзилган” асосий ер ёриқлари маъданлашувлар шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнаши аниқланиб, уларни ўрганиш натижалари сульфидли ва ферромагнитли минераллашув зоналари тўпланган қўшимча истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

3. Ауминзатов (Ажибугут, Колчиктов, Кумтош, Жолдас) ва Белтовнинг (Сарибатир, Асаукақ, Даугизтов, Высоковольтное) этalon олтин конлари шарқий Бельтовнинг тугаш қисмигача чўзилган шимолий-шарқий йўналишдаги чуқур ер ёриқлари ва кенглик бўйича чўзилган чуқур ер ёриқлари кесишган жойлари билан чегараланганд. Худуднинг яна бир муҳим таркибий хусусияти унинг жанубдаги структуравий-формацион зоналарнинг чегаравий ёриғи билан чегараланиши. Структуравий-формацион зоналар чегара ёригининг тектоник фаоллиги шимолий-ғарбий ёриқлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар билан бир қаторда пона шаклидаги структуралар ҳосил бўлган. Бу тузилмаларнинг фаоллиги Ауминзатов ривожланишининг маъдандан олдинги босқичдаги грабен ҳосил бўлишига олиб келган ва пировардда унинг ичидаги олтин минераллашуви тарқалган.

4. Олтин маъданлашувига қулай позициялар ажратилган Овминза-Белтоғ маъдан минтақасининг ёриқли бузилмалар зичлигининг янги харитаси тузулди. Пликатив бузулишлар, сиқилиш зоналари (динамометаморизм), қаттиқ блоклар, узилмали дислокациялар ва уларнинг бирга келишини ўз ичига оловчи структуравий омиллар маъданлашувни назорат қилишда ва жойлашувидаги муҳим рол ўйнайди ва олтин маъданлашувининг жойлашувини башоратловчи дистанцион структуравий-статистик белги ҳисобланади.

5. Тадқиқот майдонида иккита деформация плани ажратилган: эрта субмеридионал ва кечки шимоли-шарқий. Бурмали структураларнинг тарқалиши ва ер ёриқларининг кинематик ўзаро алоқалари бундан дарак беради. Субмеридионал деформация планида меридионал узулмали структуралар ва

шымоли-ғарбий ва шымоли-шарқий ажралиш тузилмалари ҳосил бўлган. Меридионал структураларга кўндаланг ер ёриқлари киради. Шимоли-шарқий деформация планида шымоли-шарқий узилмали структуралари ва субкенглик ва субмеридионал ажралиш тузилмалари шаклланган. Даикалар, кварц томирлари ва маъдан таналари шимолий-шарқий йўналишдаги структуралар билан боғлиқ.

6. Геологик-геофизик, геокимёвий ва космоструктуравий маълумотларни хисобга олган ҳолда Овминза-Белтоғ маъданли минтақасининг геологик-структуравий харитаси янгиланиб, олтинга истиқболли 4 та майдон ажратилди. Ҳозирда, шундан иккита майдонда геологик қидирув ишлари олиб борилмоқда.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»  
ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

---

**ЖАНИЕВ ХУРШИД ЭШНАЗАРОВИЧ**

**КРИТЕРИИ ПОИСКОВ ЗОЛОТОГО ОРУДЕНЕНИЯ  
В ГОРАХ АУМИНЗА-БЕЛЬТАУ**

**04.00.02 - Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых.  
Металлогения и геохимия.**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/GM86.**

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институт минеральных ресурсов».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Цой Владимир Деньевич**

доктор геолого-минералогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ведущая организация:**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_» 2022 г., в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета № DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов (адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99897) 741-24-80; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №\_\_\_\_). Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99897) 741-24-80.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» 2022 г.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_\_ от «\_\_\_\_» 2022 г.).

**М.У. Исоков**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д. г.-м. н.

**Н.М. Хакбердиев**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м. н.

**М.М. Пирназаров**

Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д. г.-м. н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике, в связи с ростом спроса на золото, повышение эффективности и результативности геологоразведочных работ, обеспечение прироста запасов и прогнозных ресурсов драгоценных металлов на флангах известных месторождений и перспективных площадей, и воспроизведение минерально-сырьевой базы имеет особо важное значение. При выявлении новых перспективных площадей наибольшую актуальность приобретают изучение особенностей рудообразующих процессов, отдельных рудоконтролирующих факторов и признаков золотого оруденения и их рациональное комплексирование.

В настоящее время в развитых странах мира проводятся исследования по разработке теоретических основ и научного обоснования новых подходов поисков золотого оруденения, направленных на выявление скрытого на глубине оруденения. Современные технологии обработки имеющихся материалов, дают возможность проводить комплексный, глубокий анализ накопленных геологогеофизических, геохимических и космо-структурных результатов исследований, позволяющих установить новые критерии прогнозирования оруденения и более достоверно выделить перспективные площади.

В республике осуществляются мероприятия, направленные на поиски месторождений и расширение минерально-сырьевой базы золота. В результате были открыты и подготовлены к промышленному освоению ряд крупных месторождений золота и серебра (Даугызтау, Ауминзатау, Нукракон, Асаукак, Сарабатыр, Аджибугут и др.). В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «... обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов...»<sup>1</sup>. В этом отношении важное значение приобретают научные исследования, направленные на выявление площадей скрытого золотого оруденения в Ауминза-Бельтауском рудном районе.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 28 января 2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 г. № ПП-3004 «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», от 1 марта 2018 г. № ПП-3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» и от 23 июля 2019 г. № ПП-4401 «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 годы», а также ряда других нормативно-правовых документов, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики – VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по применению комплекса различных методов поисков в единую систему в горах Ауминза-Бельтау проводились многочисленными исследователями, в том числе К.Ш. Агзамовым, В.А. Ведерниковым, Б.А. Горшковым, Б.Г. Губиным, Е.К. Дерюгиным, В.Я. Диreeевым, В.Г. Емельяновым, В.М. Железновым, И.М. Жигарловским, Г.И. Журавлевым, Е.И. Зацепиным, Л.И. Ивановой, Г.А. Ивановым, Н.Н. Ившинским, В.А. Казбановым, А.А. Колдаевым, Е. Кононыхиным, В.Н. Кукушкиным, В.В. Котоком, Р.Г. Ли, Р.Х. Миркамаловым, А.А. Паниным, А.П. Паниным, Ю.И. Парамоновым, С.Ю. Петровым, А.Д. Пилипчуком, М.М. Пирназаровым, Н.И. Позняковым, М.М. Пуркиным, М.Л. Рывкиным, М.М. Семенов, Е.Л. Спиридовым, А.А. Тазеевым, М.К. Тураповым, П.В. Храмышкиным, В.В. Шкарупой, А.А. Шпаком, Г.П. Юртаевым, и другими.

